



## ЎЗБЕКИСТОН – ТОЖИКИСТОН:

# АЗАЛИЙ ҚАДРИЯТЛАР ВА ЯҚИН ҚЎШНИЛИККА АСОСЛАНГАН ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ ДАВРИ

**Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмоннинг таклифига биноан 9–10 март кунлари давлат ташрифи билан ушбу мамлакатда бўлди.**

Душанбе халқро аэропортида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Давлатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб олди.

Ўзбекистон билан Тожикистоннинг умумий тарих, узвий маънавий қадриятлар боғлаб туради. Икки халқ азалдан бир дарёдан сув ичган, қариндошлик ришталари билан боғланган. Бизни икки тилда гаплашувчи бир халқ дейишди. Азалий қўшнилик ва ўзаро ҳурмат аънаналари икки давлат ўртасидаги муносабатларда мустаҳкам асос бўлиб хизмат қилипти.

Сўнгги вақтларда ўзаро алоқаларда улкан ўзгаришлар кузатилаётганда, 2016 йилнинг сентябрдан ҳозирги кунга қадар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Тожикистон раҳбари ўртасида тўрт марта учрашув, самимий ва муҳим телефон мулоқотлари ўтказилди. Президентлар ўзаро алоқаларни икки қардош халқ манфаатларидан келиб чиқиб, сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш йўлида биргаликда ишлашга тайёр эканини бир неча мартаба қайд этди.

Жорий йилнинг 10–11 январь кунлари Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Душанбе шаҳрида бўлиб, савдо-иқтисодий ҳамкорлик ҳамда давлатларaro чегараларни делимитация қилиш бўйича Ҳукуматларaro комиссияси мажлисида иштирок этди. Утган йили мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида авиаташуварлар, темир йўл қатнови қайта тикланди. Самарқанд – Панжикент оралигида А-377 халқро автомобиль йўли очилди. Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасида ўтказиш пунктлари ўз ишини тиклади.

2017 йилда Тошкент ва Душанбе шаҳарларида ишбилармон доиралар ўртасида ўзаро алоқаларни кенгайтириш, савдо битимлари ва шартномаларни тузишга асос бўлган миллий кўргазмалар ва бизнес-форумлар ташкил этилди. Икки мамлакат ўртасида автомобиль, темир йўл ва ҳаво қатнови йўналишлари қайта тикланди. Апрель ойида Тошкент ва Душанбе шаҳарлари ўртасида тўғридан-тўғри авиакатнов йўлга қўйилди. 2017 йилда Тожикистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси маданияти кунлари ва Ўзбекистон Республикасида Тожикистон Республикаси маданияти кунлари муваффақиятли ўтказилди.

Ортимизда тожик миллатига мансуб қарийб 1,5 миллион фуқаро истикомат қилади. Мамлакатимизнинг 10 ҳудудида тожик миллий маданият марказлари фаолият олиб бормоқда. Самарқанд, Термиз, Фарғона давлат университетларида тожик тилида машғулотлар олиб борилади.

Ташрифнинг асосий воқеалари Душанбе шаҳридаги Миллат қасрида бўлиб ўтди. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевни расмий кутиб олиш маросимида олий мартабали меҳмон шарафига фахрий қоровул саф тортди. Президентлар – Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон шохсупла кўтарилиди. Ўзбекистон ва Тожикистон давлат маҳиялари янгради. Президентлар фахрий қоровул сафи олди-дан ўтдилар.

Шундан сўнг Президентларнинг яккама-якка учрашуви бўлиб ўтди. Дўстона ва конструктив руҳда ўтган сўхбатда сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникациявий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда икки томонлама кенг қамровли ҳамкорликни янада кенгайтириш ва чуқурлаштириш истиқболлари, шунингдек, минтақавий ва халқро муаммолар муҳокама қилинди.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентига самимий қабул ва Ўзбекистон делегациясига кўрсатилган юксак эҳтиром учун миннатдорлик билдирди. Икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантиришда кузатилаётган ўсиш суръатини мамнуният билан қайд этди.

Тожикистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган мамлакат салоҳиятини мустаҳкамлаш, миллий иқтисодиётни ривожлантириш, халқ фаровонлигини ошириш ва давлатнинг халқро нуфузини мустаҳкамлашга қаратилган ишларга юқори баҳо берди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўзаро шериклик муносабатларини изчил ривожлантириш ва мустаҳкамлаш бўйича қатъий азму шижоат намойиш этмоқда. Икки давлат ўртасидаги муносабатлар кўлами кенгайиб, конструктив сиёсий мулоқот ўрнатилди. Олий даражадаги алоқаларни янада кенгайтириш бўйича муҳим қадамлар қўйилди.

Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасидаги муносабатлар янги давр талаблари асосида ривожланмоқда. Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида 2000 йилда имзоланган Абадий дўстлик тўғрисидаги шартномада икки томонлама муносабатларнинг асосий тамойиллари акс этган.

Томонлар халқро майдонда, жумладан, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислам ҳамкорлик ташкилоти ва бошқа халқро тузилмалар доирасида ҳамкорликни изчил давом эттириб келмоқда.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорлик икки мамлакат халқларининг узок муддатли манфаатларига жавоб берадиган, Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик, ҳавфсизлик

ва изчил ривожланишни таъминлашда асосий омил бўладиган даражага кўтарилмоқда.

Учрашувда Тожикистон томони Ўзбекистон Республикаси Президентининг БМТ Бош Ассамблеясининг "Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқро ҳамкорликни мустаҳкамлаш" ва "Маърифат ва диний бағрикенглик" резолюцияларини, шунингдек, Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисида БМТ конвенциясини ишлаб чиқиш бўйича ташаббуслари қўллаб-қувватлашини билдирди.

Ўзбекистон ва Тожикистон расмий делегациялари иштирокида кенгайтирилган таркибдаги учрашувда ҳамкорликнинг бошқа муҳим масалалари ҳам кўриб чиқилди. Музокарада узок муддатли муносабатларнинг ҳуқуқий асосларини янада ривожлантириш ва ҳамкорликнинг барча йўналишларидаги мавжуд юксак салоҳиятни имкон қадар тўла рўёбга чиқариш масалалари муҳокама қилинди.

Савдо-иқтисодий ҳамкорлик изчил ва жадал суръатларда ривожланиб бормоқда. 2017 йил якунига кўра, ўзаро товар айирбошлаш ҳажми 240 миллион долларни ташкил этди. Бу охириги 20 йилдаги энг юқори кўрсаткичдир. Ўзаро товар етказиб бериш ҳажми, хизматларни ҳисобга олмаганда, кейинги икки йилда 10 мартадан ортиқ кўлайди. Бунда транспорт воситалари ва хизматлари, тўқимачилик ва пластмасса маҳсулотлари, маиший техника воситалари асосий ўринни эгаллади.

Бугунги кунда мамлакатимизда тожикистонлик сармоядорлар иштирокида тузилган 25 корхона фаолият кўрсатмоқда. Ишбилармон доиралар ўртасида тўғридан-тўғри мулоқот ўрнатиш мақсадида Душанбе ва Тошкентда кўшма бизнес-форумлар ўтказиш яхши анъанага айланди. Икки мамлакат Савдо-саноат палаталари ўртасида "Тожикистон – Ўзбекистон" ишбилармонлар кенгаши тузилиб, ташриф доирасида унинг биринчи йиғилиши ўтказилди.

Томонлар энгил саноат, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалиги, мева-сабзавотни қайта ишлаш, транзит учун қулай шартлар яратиш, минтақалар ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш каби соҳаларда атрофлича фикр алмашди.

Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида маҳсулот айирбошлаш ҳажми имкониятлар даражасида эмаслиги эътибор этилиб, икки томонлама тавар айланмаси ҳажми 500 миллион долларга етказиш учун улкан салоҳият мавжудлиги қайд этилди.

Музокарада кўшма корхоналар ва савдо уйларини ташкил этиш, ташки савдо инфратузилмалари ва экспорт-импорт операцияларини қўллаб-қувватлаш, шунингдек, икки томонлама бизнес-форумлар ва саноат маҳсулотлари миллий кўргазмаларини ташкил қилиш учун қулай имкониятлар мавжудлиги қайд этилди. Хусусан, Душанбе шаҳрида ташкил қилинган "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" кўргазмаси ва Ўзбекистон – Тожикистон кўшма бизнес-форумига юқори баҳо берилди.

Олий даражадаги учрашувда таъкидланганидек, икки давлатнинг умумий транспорт-коммуникациявий имконияти ва транзит салоҳиятидан тўла фойдаланишга алоҳида аҳамият берилмоқда. Бу борада ҳамкорликни кенгайтириш ва мавжуд автомобиль, темир йўл, ҳаво қатнови йўналишларини қайта тиклаш ва янгилашни яратиш масалалари долзарб аҳамият касб этмоқда.

Музокарада тегишли вазирлик ва идораларга икки томонлама келишувлардан самарали фойдаланиш ва ҳамкорликни кенгайтириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, ишбилармонларнинг бевосита алоқаларини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш каби вазифалар топирилди. Минтақавий ҳавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш, халқро муаммоларни ҳал этишга кўмаклашиш, терроризм ва экстремизм ҳамда бошқа турдаги уюшган трансмиллий жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларида давлатларaro ҳамкорликни мустаҳкамлашдан Ўзбекистон ҳам, Тожикистон ҳам манфаатдор экани таъкидланди.

Очиқ мулоқот, ўзаро англашув руҳида ўтган музокарада минтақа давлатлари манфаатларини ҳисобга олган ҳолда сув-энергетика ресурсларидан оқилона ва адолатли фойдаланиш, муаммоларни ҳал этишда умумэтирфот этилган халқро норма ва стандартларга риоя қилиш зарурлиги таъкидланди.

Маълумки, Тожикистон 2018 йилда МДҲга раислик қилмоқда. Ҳамдўстликни ўзаро манфаатли ҳамкорлик асосида ривожлантириш, уни тасирчан музокара майдонига айлантириш механизмларидан самарали фойдаланиш икки давлат учун ҳам манфаатлидир. Ўзбекистон томони Тожикистоннинг Душанбе шаҳрида Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Антинаркотик марказини ташкил қилиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек, маданий-гуманитар ҳамкорлик борасида ҳам фикр алмашилди. Қайд этилганидек, илмий муассасалар, ўқув юртлари, оммавий ахборот воситалари, ижодий ва спорт жамоалари, ёшлар ва хотин-қизлар ташкилотлари, касба уюшмалари ва бошқа

фуқаролик жамияти институтлари ўртасида тўғридан-тўғри алоқалар йўлга қўйилмоқда.

Тожикистон Президенти Имомали Раҳмоннинг мамлакат пойтахтидаги "Ёшликнинг 50 йиллиги" историк ҳақиқати номи "Низомиддин Алишер Навоий" деб қайта номлаш тўғрисидаги фармойиши икки халқ маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди.

Ўз навбатида, Ўзбекистон томонининг Самарқанд шаҳрида икки халқнинг буюк вакиллари – Алишер Навоий ва Абдурахмон Жомийга ёдгорлик ўрнатгани катта мамнуният билан қабул қилинди. Бундан ташқари, Тошкент метрополитенининг Сергели туманида қуриллаётган станцияларидан бирига атоқли тожик шоири, Тожикистон Қахрамони Мирзо Турсунзода номи берилди.

Президентлар ўзбек тилини Тожикистонда, тожик тилини Ўзбекистонда ўрганиш ва ўргатишни такомиллаштириш, ўқув ва бадий адабиётлар, даврий ва илмий нашрлар билан алмашув, икки мамлакатнинг муштарак адабиёт вакиллари ва замонавий муаллифлари асарларини таржима қилишга алоҳида эътибор қаратди. Таълим ва фан соҳасида ўзаро муносабатларни, шу жумладан, икки мамлакат олий ўқув юртлари ва фанлар академиялари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш зарурлиги қайд этилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонга Абдурахмон Жомийнинг сара асарлари жамланиб, ўзбек тилида chop этилган "Муҳаббат маҳзани" китобини совға қилди.

Олий даражадаги музокаралар икки томоннинг ҳам ўзаро муносабатларни мустаҳкамлаш, қўшни қўлга бериш, янги марралар сари дадил қадамлар ташлашга тайёр эканини намойён этди.

Музокаралар якунида икки мамлакат раҳбарлари Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида Дўстлик ва яхши қўшниликни мустаҳкамлаш тўғрисидаги Қўшма баёнот, Ўзбекистон – Тожикистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартномани имзоладилар.

Бундан ташқари, савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, божхона, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ҳавфсизлик ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳаларидаги ҳамкорлик ҳамда худудларaro алоқаларни ривожлантиришга доир 27 ҳужжат имзоланди.

Ушбу салмоқли ҳужжатлар тўлами мамлакатларимиз ва қардош халқларимиз ўртасидаги ўзаро манфаатли ҳамкорликни ҳар томонлама ривожлантириш учун янги ҳуқуқий асос яратди.

Оммавий ахборот воситалари вакиллари билан учрашувда Шавкат Мирзиёев ва Имомали Раҳмон музокаралар ўзаро ҳурмат, ишонч ва ишчанлик руҳида ўтганини, мазкур тарихий ташриф манфаатли келишувларга эришишда муҳим қадам бўлиб, Ўзбекистон – Тожикистон ҳамкорлигини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришини таъкидладилар.

– Ушбу тарихий ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистоннинг сиёсий, савдо-иқтисодий, транспорт-коммуникация, энергетика ва бошқа устувор соҳалардаги муносабатларини мустаҳкамлашга доир долзарб масалаларни муҳокама қилди. Эришилган келишувлар нафақат халқларимиз, балки бутун минтақа учун улкан аҳамиятга эга, – деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари Душанбе шаҳридаги "Дўстлик" майдонига ташриф буюрди. Бу ерда сомонийлар давлати асосчиси, миллат озодлиги ва тинчлик рамзи бўлган Исмоил Сомоний ҳайкали пойига гулчамбар қўйди. Мазкур ёдгорлик тожик халқи учун табаррук маскан ҳисобланади. Сомонийлар давлати ташкил топганининг минг йиллиги муносабати билан бунёд этилган ҳайкалнинг баландлиги 13 метр бўлиб, қимматли маънавий ёдгорлик саналади.

Давлатимиз раҳбарининг Тожикистон Республикасига ташрифи доирасида "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" миллий маҳсулотлар кўргазмаси очилди.

Президент Шавкат Мирзиёев Тожикистон Президенти Имомали Раҳмон ҳамроҳлигида мазкур кўргазмага ташриф буюрди.

Маълумки, мамлакатларимиз ўртасида темир йўл қатновини йўлга қўйиш бўйича келишувга эришилган эди. Давлат раҳбарлари кўргазмага киришдан олдин "Галаба – Амузанг – Хошади" темир йўл линиясининг очилиш маросимида иштирок этди. Президентлар поездлар қатновини бошлаш тугмасини босди. Икки давлат ўртасида темир йўл қатнови расман йўлга қўйилди.

Шундан сўнг давлат раҳбарлари ва делегация аъзолари кўргазмада намойишга қўйилган маҳсулотлар билан танишиди. Кўргазмада автомобилсозлик, қишлоқ хўжалиги, озиқ-овқат, фармацевтика, қимё, нефть-газ, металлургия, электротехника, энгил саноат маҳсулотлари, шунингдек, қурилиш ашёлари ҳамда ҳунармандлик намуналари кенг намойиш этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Президентини юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар билан яқиндан таништириш баробарида, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада мустаҳкамлаш лозимлигини таъкидлади.

Ўз навбатида, Тожикистон Президенти мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатига юқори баҳо берди, турлари кўпчилигини таъкидлади. Қўшма корхоналар ташкил этиш таклифини билдирди.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи доирасида Ўзбекистон – Тожикистон бизнес-форуми ҳам бўлиб ўтди. Форумда мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун яратилаётган шартно, юртимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар, чет эл сармоядорлари учун солиқ ва божхона имтиёзлари ҳақида маълумот берилди. Тожикистон томони ҳам мавжуд иқтисодий имкониятлари тақдимотини ўтказди.

Ташрифнинг иккинчи кунини давлатимиз раҳбари ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раиси Шукржон Зухуровни қабул қилди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон билан Тожикистон ўртасида сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар соҳалардаги муносабатларни мустаҳкамлаш бўйича муҳим келишувларга эришилди. Хусусан, парламентларaro алоқаларни ривожлантириш бўйича ҳам амалий қадамлар ташланди.

Учрашувда Ўзбекистон Президентининг Тожикистонга давлат ташрифи гоёта самарали кечаётгани, томонларни қизиқтирган барча масалалар бўйича яқдил келишувларга эришилгани қайд этилди. Айниқса, давлат чегараси бўйича шартнома ва фуқароларнинг ўзаро қатновига қулайлик яратишга оид битим мамлакатларимиз муносабатлари, халқларимизнинг дўстона алоқаларига замин бўлиши алоҳида таъкидланди. Автомобиль ва темир йўлларнинг очилгани, Ишбилармонлар кенгаши тузилгани ҳам бу борада муҳим ўрин тутди.

Шукржон Зухуров билан сўхбатда олий даражада имзоланган ҳужжатларни ратификация қилиш, парламентларaro алоқаларни мустаҳкамлаш масалаларига тўхталиб ўтилди. Қонун чиқарувчи органлардаги дўстлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш, ўзаро ташрифлар ва тажриба алмашувни кўпайтириш зарурлиги қайд этилди.

Президентимиз томонларнинг ҳамкорликка оид мулоқотлари мунтазамлик касб этиши йўлида муҳим қадамлар ташланганини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари Тожикистон Республикаси парламентининг Мажлиси намояндагон палатаси раисини Ўзбекистонда амалга оширилаётган илҳотлар билан танишиш, ҳамкорлик алоқаларини мустаҳкамлаш, ўзаро тажриба алмашиш учун юртимизга таъриф қилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Тожикистон Республикаси Бош вазири Қоҳир Расулзодини қабул қилди.

Сўхбат чоғида 9 март кунини бўлиб ўтган олий даражадаги учрашувларда икки мамлакат ўртасидаги ҳамкорликка доир барча масалалар муҳокама этилиб, уни ривожлантиришнинг устувор йўналишлари белгилаб олингани таъкидланди. Савдо, иқтисодиёт, инвестиция, молия, транспорт ва транзит, қишлоқ хўжалиги, сув-энергетика, солиқ, туризм, фан-таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, ҳавфсизлик каби соҳалардаги ҳамкорлик ҳамда худудларaro алоқаларни ривожлантириш бўйича имзоланган ҳужжатлар юқори баҳоланди.

Мулоқотда мазкур келишувларни бажариш, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмасини кўпайтириш ва таркибини диверсификация қилиш, бизнес учун қулай муҳит яратиш масалаларига эътибор қаратилди.

Хусусан, товар айирбошлаш ҳажминини 1 миллиард долларга етказиш режаси икки мамлакат ҳукуматларига катта масъулият юклаши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон савдо-иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга таъйиригини, бунинг учун барча зарур шартно яратишини таъкидлади.

Қоҳир Расулзода Ўзбекистон Республикаси билан Тожикистон Республикаси ўртасида савдо-иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматларaro комиссияси ҳамраиси сифатида ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш, қўшимча имкониятлар бўйича таърифлар таъйирлашга алоҳида аҳамият беришини қайд этди.

Икки мамлакат худудлари ва етакчи корхоналари ўртасида кооперацияни кенгайтириш, қўшма корхоналар ташкил этиш, транзит юк ташини кўпайтириш ва бошқа масалалар муҳокама қилинди.

Олий даражада эришилган келишувларни амалга ошириш бўйича "йўл харитаси" қабул қилиш муҳимлиги таъкидланди.

Шу билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистон Республикасига давлат ташрифи якунига етди.

Душанбе халқро аэропортида мамлакатимиз раҳбарини Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон кутиб қўйди.

Ишонч билан айтиш мумкинки, ушбу ташриф асосида имзоланган ҳужжатлар ва эришилган келишувлар икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтарди.

Абу Бакр ҲАҚИМОВ,  
ЎЗА махсус муҳбири  
Тошкент – Душанбе

# БРИТАНИЯДАГИ ВАТАНДОШЛАР: ЎЗБЕКИСТОНДАН ХУШХАБАРЛАРНИ ЭШИТИБ, ҚАЛБИМИЗ ҚУВОНЧГА ТЎЛА

Ўзбекистоннинг Буюк Британиядаги элчихонасида ватандошларимиз билан учрашув бўлиб ўтди. Тадбирда Лондон, Брайтон, Борнмут, Бирмингем ва Манчестер шаҳарларида ўқиб, меҳнат қилаётган юрдошларимиз ҳамда маҳаллий оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Ватандошларимизга Ўзбекистондаги ўзгаришлар, давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳақида батафсил маълумот берилди.

Диний соҳадаги янгиликлар, айниқса, диний таълим йўналишида олиб борилган тизимли чора-тадбирлар тадбир иштирокчиларининг диққат-эътиборини тортди. 2017 йилнинг ўзида Имом Термизий, Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислам цивилизацияси маркази, Ислам академияси, Мир Араб олий мадрасасининг ташкил этилиши халқимиз, хусусан, мўмин-мусулмонларимизни чеक्सиз қувонтирган, халқаро илмий доираларнинг оқлиши ва эътирофини қозонган воқеа бўлди.

Хар кунги она юртимиздан янгилик, хушxabарларни эшитиб, қалбимиз қувонч ва севингча тўлиб кетади. Интернетга кириб: "Бугун Ўзбекистондан қандай хабар бор экан?" - деб интиқлик билан кузатамиз. Жонажон Ватанимизнинг шону шавкати кундан кунга зиёда бўлиб бораётганидан тўлқинланиб юрамиз", - дейди учрашув қатнашчиларидан бири.

Самимий рўхда кечган мулоқотда Буюк Британияда истиқомат қилаётган ватандошларимиз ўзларини қизиқтирган саволлар билан мурожаат қилдилар. Жумладан, юрдошларимизга Ўзбекистонда нашр этиладиган дарслик ва китобларни мунтазам етказиб туриш, интернетда Ўзбекистон муслмонлари идораси улаомлари, имом-хатиблар билан онлайн-суҳбатлар ташкил этиш каби тақлифлар билдирилди.

"Биз она Ватанимиздан олисда яшаб турган чоғимизда динимиз арконларини қандай адо этиш билан боғлиқ айрим масалаларга дуч келамиз. Буюк Британияда турли ақидавий йўналишларга мансуб муслмонлар яшайди. Шу сабабли Ўзбекистон улаомларига тўғридан-тўғри мурожаат қилиш ва ўзимизни қизиқтирган саволларга жавоб олиш имконияти яратилса, хайрилик иш бўлар эди", - дейди Лондонда истиқомат қилаётган ватандошларимиздан бири.

Гарчи тумани Лондон билан серқуёш Тошкент ўртасини 6 минг километр ажратиб турса ҳам, бу кун хар қандай масофа, ўлчов ўз аҳамиятини йўқотгандек туюлди. Ватандошларимиз билан дийдорлашув муносабати билан элчихонамизда палов дамланди. Бир пиёла чой устида кечган суҳбатда гуруҳ, дийримиз тараққиётга ҳисса қўлишига интилиш яққол уфуриб турди.

"Жаҳон" АА  
Лондон

Бундан 15 йил аввал туман ва шаҳарлар ҳокимликлари ҳузурида тадбиркорлик субъектларини рўйхатдан ўтказиш инспекциялари ташкил этилиб, улар орқали тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ишлари амалга оширила бошлади. 2016 йилнинг январидан мазкур инспекциялар негизда ташкил қилинган тадбиркорлик субъектларига "ягона дарча" тамойили бўйича давлат хизматлари кўрсатиш ягона марказлари томонидан янада соддалаштирилган хизматлар кўрсатиш йўлга қўйилди.

## ЭНДИ ОРТИҚЧА ОВОРАГАРЧИЛИКЛАРГА ҲОЖАТ ЙЎҚ

2017 йилнинг 1 февралдан "ягона дарча" марказларининг Адлия вазирлиги тасарруфига ўтказилиши ва вертикал бошқарув тизимининг ишга туширилиши тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари сонини 37 тагача оширди. Энди тадбиркор ёки жамиятимизнинг ҳар бир фуқароси бу хизматлардан фойдаланиши мумкин ва уларнинг ортиқча оворагарчиликларига чек қўйилди. Шунингдек, тадбиркорларни рўйхатга олиш тартибини 30 дақиқагача қисқартириш имконини берадиган автоматлаштирилган тизим ишга туширилди. Жорий йилнинг 1 апрелига қадар эса кўрсатиладиган хизматлар сони яна 13 тага кўпайтирилди. 2020 йилгача эса бу кўрсаткич 100 тадан ошкани ташкил этиши кўзда тутилган.

Компьютер усқуналари бўлмаган ёки интернет тармоғидан фойдаланиш имкони йўқ фуқаролар учун барча давлат хизматлари марказлари ўзларида зарур маълумотларни мужассамлаштирган махсус инфокиослар билан таъминланди. Узоқ ва олис жойлардаги аҳолига енгилликлар яратиш мақсадида барча зарур техникалар билан таъминланган автотранспорт воситалари орқали бевосита жойларга бориб, уларга мобил давлат хизматлари кўрсатилади.

Кўрсатиладиган барча давлат хизматлари қатъий равишда инвентаризация қилинади ва Давлат хизматлари ягона реестридан рўйхатдан ўтказилади. 2018 йил 1 июндан бошлаб мазкур реестрга киритилмаган давлат хизматлари кўрсатилишига йўл қўйилмайди.

Илгари фуқароларимиз кундалик ҳаёtimизда зарур бўладиган давлат идоралари томонидан бериладиган муҳим ҳужжатларни расмийлаштиришда турли қийинчиликларга дуч келишарди. Эндиликда муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, яқна тартибда уй-жой қуришни амалга оширишга руҳсатнома, турар жой бўйича рўйхатга олиш (прописка), рўйхатдан чиқариш ва ҳисобга қўйиш, турли ФХДЕ ва нотариат органлари архив маълумотномалари, патентлар, гувоҳномалар ва расмий ҳужжатлар дубликатларини олиш каби ҳужжатлар расмийлаштирилиши давлат хизматлари марказлари орқали кўрсатиладиган автоматлаштирилган тизим ёрдамида босқичма-босқич амалга оширилади.

Бир жойининг ўзида давлат хизматлари кўрсатилиши амалиёти бир қатор хорихий давлатлар тажрибасида бор ва бугунги кунда жуда кўплаб давлатлар ана шу усулга ўтмоқда. Бу янги соҳа бўлгани учун давлат хизматларини амалиётга самарали ва тезкор жорий этиш мақсадида хорихий мамлакатлар тажрибаси ўрганилди. Адлия вазирлигининг бир гуруҳ масъул ходимлари Озарбайжон ва Грузия давлатларида жисмоний ва юридик шахсларга давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини ўрганиш бўйича хизмат сафарига бўлиб қайтди.

Айтиш керакки, давлат хизматларини кўрсатишда Ўзбекистон Республикасининг "Электрон ҳукумат тўғри-

сида"ги Қонуни муҳим аҳамият касб этди. Қонунга кўра, электрон давлат хизмати - ахборот-коммуникация технологиялари қўлланганида ҳолда кўрсатиладиган давлат хизмати ҳисобланади.

Бу жараён амалга оширилаётган ислохотларнинг уй-ғунлиги ва изчиллигини таъминлайди, давлат хизматларини сифатли бажариш учун ваколатли органлар ва ташкилотларнинг жавобгарлигини оширади. Энди нафақат тадбиркорлар, балки оддий фуқаро учун ҳам бир жойда тезкор давлат хизматларини кўрсатишга шароит яратилади.

Яна шунинг алоҳида таъкидлаш керакки, Давлат хизматлари марказлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг туман (шаҳар)лардаги Халқ қабулхоналари ҳузурида фаолият юритади. Бундан буён халқ қабулхоналари ҳамда Давлат хизматлари марказлари биргаликда фаолият олиб боради ва аҳолининг оғирини енгил қилишда ўзининг беиминнат ёрдамини беради.

Давлат хизматларининг ҳар бир тури бўйича "Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади" тамойили асосида давлат хизматлари кўрсатиш механизмнинг шакллантирилиши ортиқча, кераксиз ҳужжатлар йиғишни бартараф этди, ваколатли давлат органлари ва бошқа ташкилотлар зарур ҳужжатлар ва ахборотларни бошқа тузилмалардан мустақил равишда олиши соддалаштирилди.

Давлат хизматлари кўрсатиш соҳасига инновацион ечимлар ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг маълумотлар базаларини идоралараро электрон ҳамкорлик ягона тизимига интеграция қилиш бунда муҳим роль ўйнайди. Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали давлат хизматлари кўрсатиш амалиётини кенгайтириш, мобил давлат хизматлари кўрсатишнинг мақбул, қулай ва шаффоф услубларидан фойдаланиш аҳоли учун шубҳасиз, қулайлик яратади ва энг муҳими, ҳар бир инсон учун қимматли бўлган вақтини тежашга имкон яратади. Автоматлаштирилган тизим ва узайтирилган иш графикадан фойдаланиш эса бу борада бюрократия ва коррупция юзга келишини бартараф этди.

Давлат хизматлари кўрсатиш сифати ва тезкорлигини мониторинг қилиш ва баҳолашнинг илғор механизмларини жорий этиш, аҳоли билан қайта алоқанинг самарали тизимини, шу жумладан: "Тезкор" алоқаларни, расмий сайтлар, "Ижтимоий тармоқлар" ва "мобил" иловаларда онлайн сўровларни ташкил қилиш эса ўз навбатида бу соҳадаги камчиликларни қилтида бартараф этишга шароит яратади.

Диёр АБИДОВ,  
Миробод тумани  
Давлат хизматлари  
маркази директори

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 июндаги "Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ва "Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида"ги Қарори билан маҳаллий ҳокимият органларининг бюджет ваколатларини ошириш ва мажбуриятларни белгилаш билан бир қаторда маҳаллий бюджетлар даромадлар базасини кенгайтириш ва харажатларни оптималлаштиришда уларнинг манфаатдорлиги ва масъулиятини оширишни назарда тутган янги тартиби ишлаб чиқилиб ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигидан бошлаб Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида амалга жорий этилган эди.

Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва Қарорларига асосан мамлакат ҳудудларини комплекс ривожлантириш Дастурларини барқарор молиялаштириш ва шу асосда аҳолининг реал даромадлари, ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш мақсадида маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг маҳаллий бюджет маблағларини бошқариш бўйича мустақиллигини ошириш - мамлакат бюджет сибъатининг асосий вазифаларидан этиб белгиланди.

Маҳаллий ҳокимликларнинг саъй-ҳаракатлари билан маҳаллий бюджетга ундирилаётган солиқлар ва йиғимлар жумладан, жисмоний шахсларнинг ер солиғи, мол-мулк солиғи, тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари билан шугулланувчи юридик ва жисмоний шахслардан ундирилаётган қатъий белгиланган солиқ ва алкоғолли маҳсулотлар сотиш руҳсатномасига эга бўлган юридик шахслардан ундирилаётган маҳаллий йиғимлар тўлиғича туман маҳаллий бюджетга, бозорлар даромадидан маҳаллий, бюджетга ажратма, микрофирма ва кичик корхоналардан ягона солиқ тўлови шаҳар ва туман маҳаллий бюджетлари ўртасида тақсимланадиган бўлди.

Маҳаллий ҳокимликлар томонидан маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш ва солиқ тушумларини кўпайтириш юзасидан туман ҳокимлиги, молия бўлими, молиявий назорат бошқармаси, солиқ органлари, ер ресурслари ва давлат кадастр бўлими ходимларидан иборат ишчи гуруҳ тузилиб, Тошкент шаҳридаги жисмоний шахсларга тегишли бўлган мол-мулк ва ер участкалари,

тадбиркорлик фаолияти билан шугулланаётган жисмоний шахслар давлат рўйхатидан ўтганлиги ва ёлланма ишчиларни рўйхатдан ўтказганлиги юзасидан хатлов ишлари, бозорлар ва савдо комплексидаги турган савдо шохобчалари ва савдо рсталаридан ундирилаётган маблағларнинг банк кассаларига кирим қилиниши, савдо

Тошкент шаҳрида тажриба тариқасида амалга жорий этилган маҳаллий бюджет даромадлар базасини кенгайтириш ва солиқ тушумини кўпайтириш тартиби ўз самарасини берганлиги туфайли, бу тартиб жорий йилнинг 1 январидан бошлаб республика бўйича амалга жорий қилинди.

## МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ЙЎЛИДА

ва умумий оқватланиш корхоналарида ишлаётган ходимларнинг қонунийлиги ва савдо тушумларининг банк кассаларига жалб қилиниши юзасидан мониторинг тадбирлари олиб борилди.

Олиб борилган мониторинг тадбирлари ўз самарасини бериб бюджетга ундирилган маблағлар олдинги йилга нисбатан сезиларли даражада ўсиши таъминланди. Жумладан, жисмоний шахсларнинг ер солиғи 113,3 фоизга, жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиғи 112,1 фоизга, қатъий белгиланган солиқ 126,6 фоизга, бозорлар даромадидан маҳаллий бюджетга ажратма 113,8 фоизга, ягона солиқ тўлови 121,2 фоизга ва маҳаллий йиғимлар 2,2 баробарга ўсишга эришилди.

Ўтган йилнинг иккинчи ярим йиллигида маҳаллий ҳокимликлар ихтиёрида 81,3 млрд.сўм, олдинги йилнинг мос даврига нисбатан 3,2 баробарга кўп маблағлар қолдирилиши таъминланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги "Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий макро иқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджет параметрлари тўғрисида"ги Қарори билан бир қатор солиқлар ва йиғимлар ставкалари пасайтирилиб, айримлари индексация қилинган эди.

Солиқ тўловчиларнинг даромадидаги тўғридан тўғри таъсир этадиган солиқлар ставкалари пасайтирилди. Жумладан, юридик шахслар фойда солиғи, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари бирлаштирилиб солиқ ставкаси юридик шахслар учун 14 фоиз ҳамда тижорат банклари учун 22 фоиз миқдорига белгиланди. Жисмоний шахсларнинг даромад солиғидан шахсий жамғариб бориладиган Пенсия жамғармасига 1 фоиз ўрнига 2 фоиз қилиб белгиланди ҳамда солиқ солиш ставкаларининг 3 ва 4 шкалалари 0,5 фоизга камайтирилди, юридик шахсларнинг бюд-

жетдан ташқари жамғармаларга ажратмалар миқдори 3,5 фоиздан 3,2 фоизга камайтирилиши солиқ тўловчиларнинг даромадлари ошишига олиб келди.

